



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY SAYLOV
KOMISSIYASI RAISING FARMOYISHI
Toshkent**

№ 82

2024 yil «20» июнь

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
фаолияти учун давлат харидини амалга ошириш мақсадида
харид комиссиясини тузиш түғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари түғрисида”ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби түғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, унинг Котибияти ҳамда ҳудудий сайлов комиссиялари фаолияти учун зарур бўлган жиҳозларни харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг харид комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолаш ва тартибга солиш ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлаш Марказий сайлов комиссияси харид комиссияси ишининг асосий мақсади этиб белгилансин.

3. Марказий сайлов комиссиясининг харид комиссияси фаолиятини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Раиси ўринбосари Б. Кучкаров ҳамда Комиссия аъзоси А. Ибодуллаев зиммаларига юклансин.

Раис

3. Низамходжаев

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раценинг
2024 йил 20 июндаги
86 - сон фармойишига
илова

**Марказий сайлов комиссиясининг харид комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|-------------------|---|
| А.С. Рўзиев | – Марказий сайлов комиссияси Котибияти раҳбари, харид комиссияси раиси |
| Ж.Я. Фахрутдинов | – Марказий сайлов комиссияси Котибияти Моддий-техника таъминоти бўлими бошлиғи, харид комиссияси аъзоси |
| Ф.М. Хамраев | – Марказий сайлов комиссияси Котибияти Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими бош маслаҳатчиси, харид комиссияси аъзоси |
| Ч.Э. Хасонов | – Марказий сайлов комиссияси Котибияти Молия бўлими бухгалтери, харид комиссияси аъзоси |
| С.Р. Ташмуҳамедов | – Марказий сайлов комиссияси Хўжалик ишлари бўлими бош маслаҳатчиси, харид комиссияси котиби |